

Термиз туманида футбол бўйича ДХХ кубогининг вилоят саралаш босқичи мусобақалари бўлиб ўтди



Термиз туманидаги “Марварид” соғломлаштириш маскани мини футбол стадионида ДХХ кубогининг вилоят саралаш босқичи С-гурухдан ўрин олган Термиз шаҳри, Термиз тумани, Ангор ва Музработ туманларининг 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган жамоалар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳс натижаларига кўра, Термиз тумани ўғил болалар футбол жамоаси ҳудуд босқичи ғолиблигини қулга киритиб, вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлишди.